МУЗЕЙ ЭКСПОНАТЛАРИ — ТАРИХИМИЗ КЎЗГУСИ.

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи

илмий ходими: **Хусаинова Муҳаббат**

Аннотация

Ушбу мақолада музей экспонатларининг халқ тарихи, миллий ўзлик ва маданий меросни сақлашдаги ўрни ҳамда уларни замонавий музейшунослик талаблари асосида намойиш этиш масалалари кенг ёритилган. Музей экспонатлари нафақат тарихий буюм ёки моддий маданият намунаси, балки муайян даврнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва эстетик хусусиятларини ўзида мужассам этган муҳим тарихий манба сифатида таҳлил қилинади.Мақолада музей экспонатларини ташкил этиш ва лойиҳалаш жараёнининг асосий босқичлари — объектни ўрганиш, илмий концепцияни ишлаб чиқиш, бош қарорни шакллантириш, эскиз ва ишчи лойиҳаларни тайёрлаш ҳамда меъморий-бадиий ечимни амалга ошириш жараёнлари изчил ёритилган. Шунингдек, экспонатларнинг мавзувий ва мантиқий кетма-кетликда жойлаштирилиши, томошабин ҳаракат йўналишини тўғри ташкил этиш, экспонатларнинг ўзаро уйғунлиги, ёритиш, ранг, шрифт, декоратив элементлар ва техник воситалардан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.Тадқиқотда музей экспонатларини яратиш ва намойиш этиш жараёнида илмий ходимлар, тарихчилар, рассомлар, архитекторлар, дизайнерлар, муҳандислар, педагоглар, психологлар ва бошқа мутахассислар ўртасидаги ижодий ҳамкорликнинг аҳамияти асослаб берилган. Экспонатларнинг бадиий ечими билан унинг илмий мазмуни ўртасидаги уйғунлик музейнинг умумий ғоявий-бадиий қиёфасини белгилаши таъкидланган. Шу билан бирга, музейга ташриф буюрувчиларнинг ёши, қизиқишлари, билим даражаси ва музейга ташриф мақсади экспонатларни намойиш этиш усулларини танлашда муҳим омил эканлиги кўрсатилган. Экспонатларни томошабинга тушунарли ва таъсирчан тарзда етказиш,

уларда тарихий воқеликка нисбатан қизиқиш ва миллий қадриятларга ҳурмат уйғотиш музейнинг асосий вазифаларидан бири сифатида баҳоланган.

Мақолада очиқ ҳавода намойиш этиладиган йирик ҳажмли экспонатлар, ҳарбий техника, қадимий тош ҳайкаллар, монументал санъат асарлари ва халқ ҳунармандчилиги намуналарининг музей муҳитидаги ўрни ҳам кўриб чиқилган. Бундай экспонатларни сақлаш, ҳимоя қилиш ва атроф-муҳит билан уйғунлаштириш масалаларига ҳам эътибор берилган.

Умуман, мақолада музей экспонатларини замонавий талаблар асосида лойиҳалаш ва ташкил этиш музейнинг илмий-маърифий, эстетик ва тарбиявий таъсирини оширишга хизмат қилиши асосланади. Музей экспонатлари орқали тарихий хотирани сақлаш, миллий меросни асраб-авайлаш, ёш авлодда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ва аждодлар меросини келажак авлодларга етказишнинг аҳамияти очиб берилган. Шу нуқтаи назардан, музей экспонатлари халқимизнинг кечмиши, бугуни ва келажагини боғлаб турувчи муҳим маънавий кўприк ҳамда тарихимизнинг ўзига хос кўзгуси сифатида талқин этилган.

Экспонатларни лойиҳалашнинг барча иштирокчилари ишини уюшган ва режали ташкил этиш, лойиҳани белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш учун ишнинг изчиллигини, ҳар бир босқичдаги фаолият характерини, лойиҳа ҳужжатлари таркибини аниқлаб олиш лозим. Сўнгги йилларда ишлаб чиқарилган ва экспонатлар амалиётида ўз тасдиғини топган меъёрлар музей экспонатларини бадиий лойиҳалаш ишининг қуйидаги босқичларини кўзда тутади: объектни ўрганиш; бош қарорни ишлаб чиқиш; эскиз лойиҳасини ишлаб чиқиш; ишчи лойиҳа.Меъморий-бадиий лойиҳалаш ишини бошлаш учун асосий ҳужжат илмий концепция ҳисобланади. Илмий концепция асосида экспонатларнинг бош қарори тузилади ва у Илмий кенгаш йиғилишида муҳокама этилади ҳамда тасдиқланади. Иккинчи босқич — музейнинг илмий жамоаси томонидан тайёрланган, кенгайтирилган тематик структура асосида амалга ошириладиган эскиз лойиҳасини ишлаб чиқишдир. Ушбу босқичда рассом экспонат материаллари билан батафсил

танишиб чиқади. Эскиз лойиҳаси ҳам музейнинг Илмий кенгаши ва лойиҳаловчи ташкилотнинг Бадиий кенгаши томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим. Учинчи босқич — ишчи лойиҳалаш — музейнинг тематик-экспонат режаси асосида амалга оширилади ва меъморий-бадиий лойиҳа муаллифи раҳбарлигида ишчи тартибда кўриб чиқилади ҳамда тасдиқланади. Экспонатларнинг замон талабларига жавоб берадиган меъморий-бадиий ечимини яратиш — ўта мураккаб ижодий вазифадир. Бу вазифага ўз ҳиссасини қўшадиган, агар эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлинмаса, бир бутун экспонат образини заифлаштириши ёки ҳатто бузиб ташлаши мумкин бўлган турли хил характердаги, баъзан қарама-қарши элементларни ягона ансамблга бирлаштириш зарур бўлади.Музейларнинг лойиҳалаш объекти сифатидаги кўп қирралилиги, шунингдек, рассомларнинг ижодий имкониятлари бадиий ечимларнинг серқирра ва ижодий изланишнинг чексиз бўлишини таъминлайди. Лойиҳалаш ишининг нормал бориши ва уни юқори даражага етказишда илмий жамоа ва рассомлар ўртасида яқин ҳамкорлик бўлиши жуда муҳимдир. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, рассомларни ишга илмий лойиҳалашнинг биринчи — экспонатларнинг илмий концепциясини яратиш босқичида қўшилиши ҳамкорлик самарадорлигини янада оширади. Муддатига кўра, бу ишнинг дастлабки босқичи — «объектни ўрганиш»га тўғри келиши мумкин. Бу даврда рассом музейнинг илмий ҳужжатлари ва фаолияти билан, эълон қилинган адабиётлар, янги экспонатларга оид ишчи материаллар билан танишади, лойиҳалар муҳокамасида иштирок этади, фондлар, кўргазмалар билан танишади.

Шундай қилиб, тайёрлов босқичининг мақсади рассомни турли-туман ахборот билан таъминлашдир. Кейинчалик ишнинг самарадорлиги уни ташкил этилаётган экспонатларнинг хусусиятларини, унинг асосий ғояларини қанчалик тушунганлигига, манбалар базасини ўзлаштирганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.Рассом экспонатлар жойлаштириладиган хоналар билан батафсил танишиб чиқиши лозим. Музей ходимлари уни бинонинг ички планировкаси хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашлари лозим. Рассом учун музейга келувчиларнинг таркиби, уларнинг қизиқишлари, экспонатларнинг бирор қисмига

ва бирор предметга алоҳида эътибор билан қарашлари ҳақидаги маълумотлар ҳам муҳимдир. Томошабинлар контингентида туристлар ёки мактаб ўқувчилари кўпчиликни ташкил этишига, асосан якка тартибдаги томошабинга мўлжалланганлиги ёки тўла экскурсия хизмати кўрсатилишига қараб, музейларнинг илмий ва бадиий ечимларида сезиларли фарқлар бўлиши мумкин. Бир неча залларда ташкил этиладиган экспонатлар учун бош қарор ишлаб чиқилади. Бош қарорда муаллифнинг бадиий концепцияси, музей экспонатлари тузилишининг асосий бадиий принциплари, унинг ғоявий мазмунини образли-бадиий очиб бериш ўз аксини топади. Бундан ташқари, бир қатор аниқ вазифалар: асосий мавзуларни экспонатларни кўриш маршрути бўйлаб залларга ва музей ҳудудига жойлаштириш; асосий экспонатларни жойлаштириш; экспонатларни ёритиш ва ранглар қарори принциплари; жиҳозлар ва алоҳида воситаларнинг умумий қарори; аудиовизуал ва техник воситалардан фойдаланиш каби масалалар ҳал этилади. Бош қарор экспонатларнинг умумий бадиий қиёфасини белгилаб беради. Унда музейдаги материалларнинг ўзаро уйғунлиги, уларнинг жойлашуви, томошабин ҳаракатланадиган йўналиш ва ҳар бир залнинг мазмуний-бадиий хусусиятлари ҳисобга олинади. Шунингдек, экспонатларнинг томошабинга қандай таъсир кўрсатиши, уларни осон ва тушунарли қабул қилиш имконияти ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Шу сабабли бош қарорни ишлаб чиқиш музей экспонатларини ташкил этиш жараёнининг энг муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Чизма материаллар айнан шу вазифани бажарувчи макет билан алмаштирилиши ҳам мумкин. Рассом шаҳар қурилишининг ҳар қандай шароитида уни ажратиб олиши ва ташкил этиши лозим. У муайян ҳудудий ва мазмуний трактовкага эга бўлиши керак.Шунингдек, ҳайкалтарошлик ёдгорликлари қўшилган ҳолда мемориал характерда ёки музейнинг фаолияти, экспонатлар структураси ва бошқа маълумотларни жойлаштириш натижасида ташкил этилган ахборот-реклама характерида бўлиши мумкин. Музей ихтиёрида ер участкаси мавжуд бўлса, очиқ экспонатларни ташкил этиш имконияти бўлади. Музейлар ихтиёрида жуда кўплаб очиқ ҳавода намойиш этиш мумкин бўлган экспонатлар бўлади.

Сақланишига зарар етмаган ҳолда ҳарбий техника, қадимги тош ҳайкаллар, монументал санъат асарлари ва халқ ҳунармандчилиги ёдгорликлари намойиш этилиши мумкин. Бундай очиқ экспонатлар музей ҳудудининг умумий кўринишини бойитиб, ташриф буюрувчиларга тарихий ва маданий меросни бевосита кўриш имконини беради. Бу ҳудудни кўкаламзорлаштириш музей экспонатларининг табиат бўлимларини тўлдирибгина қолмасдан, шаҳар муҳитининг зарарли таъсиридан ҳимояни ҳам таъминлайди. Экспонат мавзуларини заллар бўйлаб жойлаштириш режасини тайёрлаш ҳам жуда мураккаб жараёндир. Музейнинг барча бўлимлари одатда кўргазма майдони улар олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун етарли эмаслигидан нолишади. Бу ҳолат рассомлар томонидан жуда аниқ ҳисобга олиниши лозим.

Бош қарор лойиҳасини кўриб чиқиш давомида экспонатларни томоша қилиш йўналишини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим бўлади. Бутун зона ва заллар бўйлаб экспонатларни томоша қилиш йўналиши матнли ахборотларни ўқишга қулай бўлиши учун чапдан ўнгга томон ташкил этилади. Томошабиннинг йўли қисқа, қарама-қарши оқимларсиз, айланмаларсиз ва қайтишларсиз бўлиши керак. Махсус қурилган музей биноларида бу жиҳатлар ҳисобга олинади ва ижобий ҳал этилади. Мослаштирилган биноларда эса мақсадга мувофиқ йўналишни ташкил этиш жуда қийин кечади. Баъзан кириш йўли битта бўлганлиги сабабли қарама-қарши оқимлардан холи бўлиш имконияти бўлмайди. Баъзан томошабиннинг ҳаракат йўналишини сезиларли даражада яхшиловчи қайта планлаштиришни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Тарихий музейларда экспонатларни томоша қилиш изчиллиги учун мақсадли йўналтирилган маршрут зарурияти мавжуд бўлади. Лекин томошабинни керакли йўналишга юбориш жуда усталик билан, унда ички норозиликни уйғотмаган ҳолда амалга оширилиши лозим. Томошабиннинг ҳаракат йўналиши табиий ва эркин ташкил этилиши, ҳар бир зал ва экспонатнинг мазмунини тўлиқ англаш учун етарли имконият яратиши керак. Шу билан бирга, йўналишнинг аниқлиги ва қулайлиги музейга ташриф буюрувчиларнинг қизиқишини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади.Амалга оширилмоғи керак. Бош қарорда

томошабиннинг феъл-атворини, бир хил ритмда ҳаракатланишини ташкил этадиган, экспонатларни идрок этишнинг руҳий меъёрлари чегарасида томоша қилишни таъминловчи воситалар кўзда тутилган бўлиши керак. Йирик габаритли экспонатлар, бадиий-тасвирий воситалар, безаклар, кўрсаткичлар ва бир қатор бошқа усуллар мана шу мақсадга хизмат қилади.Бош қарор лойиҳасида рассом махсус яратилган санъат асарларини (ранг-бўёқ, графика, ҳайкалтарошлик), диаграмма ва илмий реконструкцияларни таклиф этиши мумкин. Уларнинг зарурияти рассом томонидан асосланиши ва жамоа томонидан муҳокама қилиниши керак.Бош қарор босқичида ёритишнинг умумий принциплари (табиий, сунъий, аралаш, умумий, маҳаллий) кўриб чиқилади. Интерьерни безаш ва жиҳозлаш, тайёрлаш учун материал масаласи ҳал этилади.Деворларнинг дағал фактураси айрим экспонатлар, масалан, рассомчилик асарлари ва амалий санъат асарларига мос тушмайди. Оддий матолар (бўз, қоп-қанорга ишлатиладиган мато), алак, чит, ёғоч кўплаб этнографик предметлар учун фон вазифасини бажаради. Юмшоқ матолар, шунингдек, мовут, барқут, ипак каби материаллар зардўзлик ва заргарлик предметларига яхши тушади.Девор ва жиҳозларда ёруғлик қайтармайдиган ва ёнғинга қарши қопламалардан ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Бундай материаллар экспонатларнинг ташқи кўринишини тўғри намоён этиш, уларни ёритишни меъёрда ташкил қилиш ҳамда музейда хавфсизлик талабларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Эскиз лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичида қуйидаги масалалар ҳал этилиши лозим:

- тематик бўлим ва экспонат мавзулари майдонларини узил-кесил тақсимлаш;
- барча етакчи экспонат ва матнларни жойлаштириш, уларни кўрсатиш услублари, экспонат жиҳозларини жой-жойига қўйиш;
- экспонатларнинг якуний ҳажмий-ҳудудий ва ранг ечими;
- залларни, экспонатларни ва алоҳида предметларни ёритиш;

- жиҳозлар ва декоратив элементлар конструкциясининг қатъий ечими;
- аудиовизуал ва техник воситаларни жойлаштириш;
- ёндаш ҳудудни йирик ҳажмли экспонатлар ва декоратив элементларни жойлаштириб безатиш.

Шундай қилиб, рассомнинг эскиз лойиҳаси устида ишлаши — бу бош қарор таклифларини аниқлаштириш, деталлаштириш ва чуқурлаштириш демакдир. Рассом экспонатларни муайян ҳудудий чегараларда яратади.

Экспонатларни жойлаштириш зонаси ҳажми одамнинг ўртача бўйи ва кўзнинг полга нисбатан жойлашиши даражасига қараб белгиланади. Унинг баландлиги 2–2,5 метрдан, кўриш бурчаги горизонтал бўйича 25–30° дан, вертикал бўйича 40° дан ошмайди. Майда предметлар 70 см дан пастга жойлаштирилмайди, чунки бу уларни томоша қилишни қийинлаштиради.

Музей экспонатларининг тасдиқланган лойиҳасини амалга ошириш босқичида муаллифлар жамоаси экспонатлар мазмуни ва шаклини тўлдириш ва аниқлаштириш билан боғлиқ кўплаб йўналишларда фаол ишлашни давом эттиради, бадиий-ижрочилик ишларида иштирок этади.Фотография экспонатлар санъатининг муҳим воситаси бўлиб қолмоқда, лекин кўп жиҳатдан режалаштирилган эффект ижрочилик даражасига боғлиқ бўлади. Сўнгги вақтларда хонада муайян предметли муҳит атмосферасини ҳосил қилувчи йирик форматли фотосуратлардан кенг фойдаланилмоқда.Муаллифлар жамоаси экспонатларнинг чизмалардан иборат қисмини, шунингдек, илмий-ёрдамчи материалларни яратишга жуда жиддий аҳамият беради. Чизмалар асосий маълумотни, элементлар ўртасидаги алоқаларни қисқа ва аниқ етказиб бериши, тасвирни соддалаштириши, томошабинни фикрлашга йўналтириши ва диққатини бир жойга жамлашга ҳаракат қилиши лозим. Экспонатлар монтажининг бошланишига қадар шрифт иши бажарилади. Шрифт ва унинг композицияси матн таъсирини кучайтиради. Матннинг ҳажми, типи, шакли, ранги ва жойлаштирилиши масаласини лойиҳачи рассом ҳал этади. Ёзувлар мукаммал бўлиши лозим. Газета ва китобларда ишлатиладиган шрифтлардан

фойдаланиш кенг қўлланилади. Бундай шрифтларга кўз кўниккан бўлади ва ўқиш учун қулай бўлади. Қисқа ва ўта узун сатрлардан фойдаланиш тавсия этилмайди. Бадиий-ижрочилик ишлари билан бир вақтда таъмирлаш-қурилиш ишлари ҳам амалга оширилади. Булар қаторига иситиш, ёритиш, вентиляция тизими, ёнғиндан муҳофаза системасини ўрнатиш билан боғлиқ ишлар киради. Яхши тайёрланган лойиҳа экспонатларни қисқа муддатларда монтаж қилинишини таъминлайди. Тайёрланган экспонатлар музей маъмурияти, илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари вакиллари, музейлар, ижодий уюшмалар, жамоатчилик ташкилотларининг вакилларидан иборат махсус комиссия томонидан қабул қилинади. Монтаж ишлари билан бир вақтда рассомлар экспонатларнинг рекламаси учун материалларни тайёрлашга киришадилар. Афиша ва таклифнома билетлари мустақил эстетик қийматга эга бўлган ҳолда музей экспонатларининг хусусиятларини акс эттириши лозим.

Реклама материалларида музейда намойиш этилаётган экспонатларнинг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари ва асосий ғояси ёрқин ҳамда тушунарли тарзда ифодаланиши муҳим. Бу материаллар ташриф буюрувчиларнинг қизиқишини ошириш, музейга келувчилар сонини кўпайтириш ва музей фаолиятини кенг тарғиб қилишга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев Н.У. **Санъат тарихи.** — Тошкент: Ўзбекистон, 2001.
2. **Музейшунослик.** — Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001.
3. **Музейлар ва музейшунослик асослари.** — Тошкент: Фан, 2000.
4. **Музей экспозицияси: назария ва амалиёт.** — Москва: Высшая школа, 1987.